



ГЕОГРАФИК ВА ДАВР ТЎСИҚЛАРИНИ ЕНГИБ ЎТАЁТГАН МИНТАҚАЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ



Равшан ФАЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Депутати

Бошланиши 1-бетда

Транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, Трансафрон транспорт йўлаклари орқали Ўзбекистонни Покистон портлари билан боғлаш лойиҳалари минтақавий савдо ва иқтисодий интеграция учун катта имконият яратди. Бу йўналиш Ўзбекистоннинг денгизга чиқиш имкониятларини кенгайтиришда стратегик аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда давлатлараро муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар нафақат икки томонлама, балки халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам изчил ривожланмоқда. Расмий Тошкент ва Исломобод ўртасидаги сиёсий алоқалар янги босқичга чиқди. Давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари, стратегик шерикликка оид келишувлар ва ҳамкорликка тааллуқли баёнотлар буни яққол тасдиқлайди.

Бугунги кунда икки давлат халқаро майдонда, жумладан, БМТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислom ҳамкорлик ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Икки давлат раҳбарларининг очиқ, конструктив ва прагматик ташқи сиёсати натижасида Ўзбекистон — Покистон муносабатлари ўзаро ишончли, тенг ва дўстона асосда кечмоқда. Сиёсий мулоқот мустаҳкамланди, парламентлараро ва идоралараро алмашинувлар жадал ривожланмоқда.

2021 йил июль ойида Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация имзоланиши ўзаро ҳамкорлик

ривожда муҳим босқич бўлди. Унда томонларнинг кенг қўламли йўналишларда ҳамкорликни чуқурлаштиришдан ўзаро манфаатдорлиги мустаҳкамланди. Президентимизнинг 2022 йилда Покистонга, 2025 йил февраль ойида эса Покистон Ислom Республикаси Бош вазирининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклигида янги саҳифа очди.

Давлатларимиз ўртасидаги парламентлараро алоқалар изчил ривожланиб бораётди. Бу икки мамлакат парламентлари вакилларининг ташрифлари орқали янада мустаҳкамланди. Парламент делегациялари ўртасидаги мунтазам алоқалар, дўстлик гуруҳлари фаолият юритиши ва қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш ҳуқуқий тизимларини яқинлаштиришга, иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш учун қўлай меъёрий базани яратишга хизмат қилмоқда.

Ўзаро алоқалар савдо-иқтисодий ҳамкорлик, хавфсизлик ва минтақавий барқарорлик, шунингдек, тарихий ва маданий ўхшашликка асосланган. Ўтган қисқа даврда сиёсий мулоқот ва ҳамкорликда катта муваффақиятга эришилди. Биргина 2025 йил якунларига қўра, ўзаро савдо ҳажми салкам 500 миллион долларга етди. Ўзбекистонда Покистон капитали иштирокидаги 230 га яқин корхона фаолият юритмоқда. Тўқимачилик, фармацевтика, кимё, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ҳам кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга ошириляётди.

Икки мамлакат ўртасидаги авиақатновлар кўпайгани эса юртимизга келувчи сайёҳлар, талабалар ва тадбиркорлар сони ортишига туртки бўлди. Ўз навбатида, маданий алмашинувлар, тарихий ёдгорликлар ва маданий анъаналар билан танишиш, айниқса, ишбилармонлик алоқаларини ўрнатишга кенг имконият яратди.

Икки давлат тадбиркорлари иштирокида бизнес-форумлар ташкил этиш орқали янги инвестицион лойиҳалар ва шартномалар имзоланишига замин яратилди. Бу эса ишбилармон доиралар ўртасида савдо, инвестиция ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Шахбоз Шарифнинг таклифига биноан шу йил 5-6 февраль кунлари ушбу мамлакатда давлат ташрифи барча соҳадаги икки томонлама муносабатларимизда янги саҳифа очди.

Ушбу ташриф нафақат дипломатик мулоқотнинг навбатдаги қадами, балки Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклигини аниқ иқтисодий мазмун, амалий лойиҳалар ва узоқ муддатли режалар

билан бойитишга қаратилган комплекс ёндашув намунаси бўлди. Шу маънода, ушбу ташрифни иқтисодни ривожлантириш, янги йўللار ва бозорларга чиқиш, икки халқ ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади, десак янглишмаймиз.

Айниқса, олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилгани алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу формат икки давлат муносабатларининг стратегик характер касб этганидан далолат бериб, ҳамкорликни тизимли ва мувофиқлаштирилган тарзда ривожлантириш учун институционал пойдевор яратди.

Ишбилармон доиралар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон — Покистон ишбилармон кенгашини ташкил этиш юзасидан эришилган келишув хусусий сектор ўртасида тўғридан тўғри алоқаларни ривожлантириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади. Бу эса икки мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсиши ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Қўшма декларация ва устувор соҳалар бўйича келишувларнинг салмоқли тўплами ҳам икки давлат ўртасидаги алоқаларда туб бурилиш ясаи билан бирга стратегик шерикликнинг янги истиқболли йўналишларини очди. Ўз навбатида, бу ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни аниқ йўналишлар бўйича ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамлаб, иқтисодий ўсиш, инвестиция оқимлари, технологиялар алмашинуви ҳамда халқларимиз фаровонлигини оширишга олиб келади.

Ташриф давомида Президентимизга Покистон Миллий фан ва технологиялар университети фахрий доктори ва профессори унвонлари берилиши давлатимиз раҳбарининг ижтимоий-иқтисодий ва таълим соҳаларидаги ислохотлар, мамлакатни изчил модернизациялаш, фан ва технологияларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик ҳамда академик алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси маъсулидир. Бундай қарор икки давлат ўртасидаги стратегик ҳамкорлик, илмий-таълимий алоқалар, маданий яқинлик янги босқичга кўтарилаётганини кўрсатади.

Сирасини айтганда, бугун икки давлат ўртасидаги муносабатлар ўзаро шериклик ва муштарак манфаатларга асосланган ривожланишининг янги босқичини бошидан кечирмоқда. Глобал ўзгаришлар шароитида ушбу ҳамкорлик географик ва сиёсий тўсиқларни енгиб ўта оладиган муваффақиятли минтақалараро муносабатлар намунасига айланиши мумкин.

Муносабат



ПОКИСТОН БОЗОРИ маҳаллий ишбилармонларимиз учун катта имконият

Тадбиркор бирор давлатга борганида, аввало, унинг ички бозори, импорт маҳсулотларга бўлган талаби, мамлакатда бизнес учун яратилган муҳит билан қизиқади, чуқурроқ ўрганишга интилади. Шу жиҳатдан Покистонга бу галги сафаримиз кутилганидан ҳам самарали кечди. Давлатимиз раҳбарининг Покистон Ислom Республикасига олий даражадаги ташрифи доирасида бўлиб ўтган йирик қўшма бизнес-форум эса биз, ишбилармонлар учун қизғин ҳамкорлик майдонида айланди.

Қарийб 100 дан ортиқ маҳаллий тадбиркордан иборат Ўзбекистон делегацияси форумда фаол иштирок этиб, қатор ҳамкорлик келишувларига эришди. Улар орасида саноатнинг турли йўналишларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бизнес вакиллари бор. Фармацевтика, озиқ-овқатдан тортиб, енгил саноат маҳсулотларига-ча харидорларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Покистон бозорида электротехника маҳсулотларига талаб юқори экани кўзга ташланди. Мулоқотлар давомида харидорлар корхонамизда ишлаб чиқарилаётган телевизор, кондиционер, ярим автомат кир ювиш машиналарига қизиқиш билдирди.

Ҳозир электротехника саноати юртимизда жадал ривожланиб, миллий маҳсулотларимиз хорижда оммалашиб бораётгани сир эмас. Қайси давлатга борсак, харидорларда катта қизиқиш уйғотилди. Гап фақат нархда эмас, сифат борасидаги устуңликларимиз ҳам ҳамкорлар ишончини оқшайтди. Шунинг ҳисобида экспорт ҳажми каррасига ошиб бормоқда.

Ишлаб чиқариш қувватларимиз ҳам катта. Масалан, бизнинг корхонамиз 2021 йилда ташкил этилганига қарамай, электротехника маҳсулотларимизнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1 миллион 300 минг донадан ошди. Яна 4 та янги завод лойиҳаси устида ишляпмиз. Кейинги йилларда янги бозорларга фаол кириб бордик. Йирик маний техника воситаларимиз Тожикистон, Қозогистон, Қирғизистон, Россия, Озарбайжонга экспорт қилиняпти. 2025 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Афғонистонга экспортни йўлга қўйдик. Уларда маҳсулотларимизга ишонч ҳам, қизиқиш ҳам кутганимиздан юқори бўлди. Қисқа вақтда афғонлар йирик харидорларимиздан бирига айланди.

Сал аввалроқ, жорий йилнинг февраль ойи бошида Ироқда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада ҳам бунга гувоҳ бўлдик. Бир неча кун давомида ўша ерда бўлиб, янги ҳамкорлар топишга эришдик. Очиги, олдин бу бозорларга чиқиш қаяқда эди? Бир томондан имкон, бошқа жиҳатдан қўрқув бўларди. Ҳозир исталган янги бозорга дадил кириб борапмиз. Мамлакатимизнинг

очиқлик сиёсати, экспорт ва тадбиркорларини фаол қўллаб-қувватлаётгани бунга имкон берапти. Маҳаллий тадбиркорларимиз хориждаги тадбирларда Ўзбекистон делегациясининг асосий қисми сифатида қатнашмоқда.

Покистондаги бизнес-форумга тўғри Ироқдаги халқаро кўргазмадан ўтиб бордик. Мезбонлар бизни жуда илиқ кутиб олди, тадбир ҳам қизгин руҳда ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Шахбоз Шарифнинг иштироки анжуман аҳамиятини янада оширди. Давлатимиз раҳбари ҳар икки мамлакат тадбиркорлари учун қандай ёрдам керак бўлса, барчасини яратиб беришини айтди. Покистон томони ҳам бунга тайёригини билдирди.

Тўғри, Покистон билан ўзаро савдо алоқаларимиз аввалдан бўлган. Аммо кейинги йилларга келибгина бу амалий жиҳатдан фаол тус олди. Жараёнда бевоСИта тадбиркорлар фаоллиги ошиб, уларни бир нуқтада учраштирадиган қатор форум, кўргазмалар ўтказиш яхши анъананага айланди. Натижада сўнгги беш йилда икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 2,5 баравар, қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони эса 3 баравар ошди.

Давлатимиз раҳбарининг 5-6 февраль кунлари Покистонга олий даражадаги ташрифи ҳамда имзоланган келишувлар ўзаро иқтисодий ҳамкорликка янги сифат бағишлашни таъкидланмоқда. Ташриф доирасида ўзаро савдо ҳажминини 2 миллиард долларга етказишни назарда тутувчи баённома имзолангани бунинг исботи. Мазкур рақам айни пайтдаги савдо айланмаси кўрсаткичидан деярли уч баравар кўп. Қолаверса, 3,5 миллиард долларлик истиқболли савдо ва инвестиция битимлари портфели ҳам шакллантирилди. Фармацевтика, тўқимачилик, электротехника, тоғ-кон ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувларга эришилди.

Албатта, бу жараёнларда бевоСИта тадбиркорлар асосий иштирокчига айланди. Маҳсулотларимизнинг Покистонга экспорти ҳажми ортади. Бизнес-форум доирасида ушбу мамлакат бозори ҳамда



Шўхрат КОМИЛОВ,
“Premier elektrotech”
корхонаси раҳбари

ишбилармонлари фаолиятини чуқур ўргандик. Маҳаллий тадбиркорларимиз учун Покистон бозорида катта потенциал борлигини кўрдик. Деярли 240 миллиондан ортиқ аҳоли истикомат қиладиган бу мамлакатда барча соҳалар жадал ривожланмоқда. Шунга мос тарзда импортга талаб катта. Бизнинг маҳсулотларимиз эса нарх ва сифат жиҳатидан уларга маъқул келяпти.

Логистика йўналишидаги ҳаракатлар экспорт имкониятларини янада оширади. Мамлакатимиздан Покистонга янги йўналишлардаги юк ташиш, авиақатновлар йўлга қўйилгани тадбиркорлар учун қўлайлик яратмоқда. Маълумотларга қўра, жорий йилнинг апрель ойидан юртимиздан Қарағиға юк рейслари ҳамда Лаҳорга тўғридан тўғри йўловчи рейслари қўйилди. Бу маҳсулотларнинг янада тезроқ ва ишончли етиб боришига хизмат қиладди.

Чунки экспортёрларни қизиктирадиган асосий масалалардан бири юк етказиб бериш мўддатларидир. Одатда харидорлар қисқа вақтда, арзонроқ нархларда маҳсулот етказиб берадиган томонлар билан келишишга интилади. Шу боис, бу борада энг маъқул ечим ва таклифларни бера олишимиз керак.

Қўшма бизнес-форум доирасида корхонамиз покистонлик бир неча ҳамкор топишга эришди. Айни пайтда ҳамкорлик бўйича музокаралар ўтказилди. Нарх-наво, бохона қийматлари ўрганилиб, умумий келишувга эришилди. Яқин келажақда покистонлик ишбилармонлар фаол ҳамкорларимиздан бирига айланишига ишонамиз.

Бу борада Покистон Савдо-саноат вазирлиги хузуридаги уюшма раҳбари ҳам бизни доимий қўллаб-қувватлашни, ҳамкорлар топишда қўмақлаштишини билдирди. Яқин ойларда Тошкентга келиш режаси ҳақида гапирди. Қолаверса, олий даражадаги ташриф чоғида жорий йил Ўзбекистонда покистонлик тадбиркорлар иштирокида биринчи ҳудудлараро форум ўтказишга келишилгани аҳамиятли. Бу ўзаро ҳамкорлигимизни янада кенгайтиришга хизмат қиладди.

Кунни кеча Президентимиз қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш ва соҳада илм-фанни янги босқичга олиб чиқиш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди. Неча йиллардан буён шу соҳада фаолият юритаётган мутахассис сифатида айтишм керакки, тақдимотда кўтарилган масалалар бугуннинг айна зарурати, замон талаби. Чунки эндиликда қишлоқ хўжалигида оддий тажрибага таяниш етарли эмас. Сув танқислиги, иқлим ва бозор талаблари ўзгариши фермердан чуқур билим ва замонавий ёндашувни талаб қилмоқда. Шунинг учун фермерларнинг илм савиясини ошириш соҳадаги энг долзарб вазифалардан бирига айланди.



Нажмиддин МИРАБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон фермерлари
кенгаши бўлим бошлиғи

Амалий кузатишлар кўрсатадики, билим етишмаслиги сабаб ҳосилдорлик пасайиб, сув ва ўғитлар самарасиз сарфланмоқда. Ваҳоланки, илмий асосланган агротехнологиялар қўлланилса, кам ресурс билан юқори натижага эришиш мумкин. Шу боис, тақдимотда қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозир Тошкент давлат аграр университетиди 13,6 минг талаба тахсил олаётгани, бироқ ўқув жараёни амалиёт билан етарлича боғланмагани сабабли битирувчиларнинг атиги



Нуқтаи назар

ФЕРМЕР БИЛИМЛИ БЎЛСА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНАДИ

55 фоизи ў соҳасида ишлаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан таълим, илмий тадқиқот ва ишлаб чиқаришни узвий боғлайдиган тизим яратиш, меҳнат бозори талабига мос етук мутахассислар тайёрлаш вазифалари белгиланди. Жумладан, келгусида университет талабаларининг 6,8 минг нафари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, корхоналар ва агрокластерларда, 2,6 мингдан зиёди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги 22 та илмий-тадқиқот институтида амалиёт ўтайди.

Фермер ҳамда унинг ҳодимлари фарзандларига олий таълим олиш имконияти кенгайтириляётгани ҳам айни муддао бўлди. Яъни уларнинг тест синовларига баллари қабул параметрларига етмаганда, микро-ри камайтирилган тўлов-контракт асосида университетга қабул қилиш, еттига таълим

йўналиши бўйича ўқш давомиёлигини 4 йилдан 3 йилга қисқартириш таклиф этилди. Талабаларни тракторчи-машинист гувоҳномаси ва агродронлардан фойдаланишга ўқитиш йўлга қўйилиши айтилди.

Фермер билимли бўлса, ҳосил кўпаяди, харажат камаяди, маҳсулот сифати яхшиланади, бозорга мос иш юритиш имкони ошиши турган гап. Бунинг учун қишлоқ мулкдорларига мўлжалланган қисқа ўқув курслари, амалий семинарлар, онлайн таълим платформалари ва аграр маслаҳат хизматларини ривожлантириш зарур. Илмий маъсасаларда ишлаб чиқилган янгиликларни тўғридан тўғри далаalarda қўллаш эса соҳада сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб беради.

Шу мақсадда ўтган йили Ўзбекистон фермерлар кенгаши томонидан тегишли

вазирлик ҳамда маҳаллий ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда фермерлар билимини ошириш бўйича ўқитиш ва малакаларини такомиллаштириш юзасидан қўллаб-қувватлов ишлари қилинди. Хусусан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) ҳамкорлигида илк маротаба “Smart Farming for the Future Generation” лойиҳаси тўлиқ якунланди. Мазкур лойиҳа фермерларни “ақли” иқлим (climate-smart) технологиялари билан таъминлаш ва уларнинг амалий кўникмаларини оширишга қаратилган бўлиб, унда 300 дан ортиқ фермер, қишлоқ хўжаликларини, ёшлар ва бизнес вакиллари инновацион технологиялар билан таништирилди. Улардан фойдаланиш ўргатилди. Айнан шу лойиҳада иштирок этган фермерлар томонидан экин экиш, сугориш ва

парваришда замонавий усуллар қўлланилиши натижасида ҳосилдорлик 76 фоизгача ўсди. Даромадлар сезиларли даражада кўтарилди.

Охириги йилларда қишлоқ хўжалигидаги истиқболли лойиҳалар сирасига Хитойнинг қишлоқ хўжалиги эканлари уруғчилик гиганти — “Longping High-Tech” компанияси Ўзбекистонда фаолиятини бошлаганини айтиб ўтиш жоиз. Бу компания нафақат Хитой, балки дунёнинг етакчи аграр биотехнология компанияларидан биридир. Компания 40 дан ортиқ мамлакатда фаолият юритиб, Ўзбекистон бозорида 2018 йилда кириб келди ва 2025 йилга келиб, фермерларнинг билим даражасини оширишда муҳим натижаларга эришди. Хусусан, ўтган йили Қашқадарё вилоятида ҳосили юқори бўлган “LP-618” пахта нави

синовдан ўтказилди. Натижа кутилганидан яхши бўлди: маҳаллий навларга нисбатан 25-30 фоиз юқори ҳосил олинди. Нав кам сув талаб қилиши баробарида иссиққа чидамлик кўрсатди. Нав синов жараёнида 150 дан ортиқ фермер иштирок этиб, навнинг ҳоссалари ва парварш технологиясини амалий ўрганди.

Жорий йил январь-февраль ойларида юртимизда пахта-галла йўналишида фаолият юритаётган илгор фермер хўжаликларининг 200 дан ортиқ раҳбари Хитой ва Туркиянинг пахтачилик ҳамда галлачилик соҳасида дунёда етакчи илмий текшириш институтлари, қишлоқ хўжалиги компаниялари илмий марказларига тажриба оширишга қўмақлашилди.

Йил давомида фермерларимизга соҳадан илгор давлатлар, жумладан, Покистоннинг ўзига хос тажрибаларини ўргатиш режалаштирилган.

Умуман олганда, юқорида қайд этганимиздек, қишлоқ хўжалиги ривожи илм-фан, замонавий билим ва инновацияларга таянмоқда. Бунинг учун эса етук мутахассис ҳамда илгор деҳқонлар зарур. Тақдимотда айтилган масалалар, ташаббус ва ғоялар айни шунга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



РЕАЛ НАТИЖАЛАР

ислохотлар самарадорлигининг асосий омили



Нозимжон ОРТИҚОВ,
Иқтисодий тадқиқотлар ва
ислохотлар маркази
директори ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Ушбу тизим тўғрисида ҳар бир маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий профили шаклланди. Бу профилда ишсизлар сони, даромад топиш даражаси, бўш ер ва бинолар мавжудлиги, тадбиркорлик салоҳияти, инфратузилмaviй чекловлар каби маълумотлар акс этди. Мазкур сатҳ-ҳаракатлар умумий қўллаб-қувватлаш чораларидан муайян маҳаллага мослаштирилган манзилли воситаларга ўтишга хизмат қилди.

Бундай ёндашув камбағалликни қисқартириш борасида янги босқични бошлаб берди. 1,1 миллиондан ортиқ кам таъминланган оила учун индивидуал дастурлар амалиётга жорий этилди. Ҳозир кам таъминланган ҳар бир оила билан алоҳида ишланмоқда.

Маҳаллабўй тизими шаклланиши натижасида камбағалликка қарши кураш ишлари амалий ва бошқариладиган тус олди. Бу эса ҳар йили 2,5-3 миллиард доллар маблагни ободонлаштириш, одамлар турмуш даражасини яхшилаш, инфратузилма ва тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтириш имконини бермоқда. 2025 йилда ишсизлик даражаси 4,8 фоизгача, камбағаллик эса 5,8 фоизгача пасайди. Бу эса танланган моделнинг самарадорлигини тасдиқлайди.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида бутунги шароитда маҳалланинг аҳамиятига алоҳида урғу бераркан, жумладан, бундай деди: “**Чўрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади. Айнан маҳалладаги йўл, сув, электр ва транспорт таъминоти, ботча, мактаб ва оилавий поликлиникадаги шарт-шароитларга қараб, одамлар ислохотларимизга бора беради. Шу боис, маҳалла тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.**

Маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш орқали биз мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг қиёфасини янада қўзал ва обод қилиш борасидаги ишларни давом эттирамиз”.

Давлатимиз раҳбари социологик тадқиқот натижаларига кўра, фуқароларнинг 90 фоиздан ортиғи ўзини маҳалла жамоасининг бир қисми деб ҳис қилишини тасдиқлади. Бу ижтимоий ҳамжиҳатлик ва ишонч маҳаллий даражадан юқори эканини акс эттирди.

Шу маънода, 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятнинг юксалтириш йили” деб эълон қилиниши янги ёндашувнинг институционал давоми бўлди. Энди қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлиги аниқ маҳаллалар ва хонадонлар даражасида қандай амалий натижа бераётганига қараб баҳоланмоқда. Айнан шу ерда ислохотларнинг амалий ўлчови ва узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий натижалари шаклланди.

Ихтисослашувни чуқурлаштириш ва иқтисодий имкониятни кенгайтириш зарурати

2026 йилнинг бундай номлиниши маҳалланинг аҳоли фаровонлигини ошириш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг аҳамиятини эътироф қилди. Ушбу қарор ислохотларнинг кейинги босқичи учун аниқ йўналиш берибгина қолмай, маҳаллани ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришиладиган асосий поғона сифатида мустаҳкамлади.

Ўзбекистонда бүгун 38 миллиондан зиёд одам истиқомат қилади. Ўз навбатида, аҳоли ҳар йили ўртача 2 фоиз кўпаймоқда. Бундай

демографик шароитда ижтимоий сиёсат самарадорлиги давлатнинг маҳаллий даражада фаолият юритиш ва хонадонларнинг ҳақиқий турмуш шароитини инobatта олиш қobiliятига тўғридан тўғри боғлиқ.

Жорий йилга мўлжалланган вазифалар марказида маҳаллаларнинг ихтисослашувини чуқурлаштириш ва жойларда иқтисодий имкониятларни кенгайтириш туради. Устувор йўналишлар сифатида инфратузилмани ривожлантириш, молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш, масъул ҳодимлар малакасини ошириш ва мониторинг тизимини рақамлаштириш белгиланган. “Маҳалла — тадбиркор — бозор” йўналишидаги aloқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, маҳалланинг ижтимоий бирдамлик ва фуқароларнинг иқтисодий ўзини намoён қилиш институти сифатидаги мавқeини кучайтириш ҳам муҳим вазифага айланмоқда.

Мурожаатномада жорий йилга мўлжалланган аниқ ва ўлчовли мақсадлар белгиланган. Жумладан, 1 миллион кишини доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш кўзда тутилган. Камбағаллик ва ишсизлик даражаси 4,5 фоизгача пасайтирилиш зарур. Камбағалликдан холи маҳаллалар сони 3500 тага етказиш мўлжалланмоқда.

Маҳаллалардаги муаммолар ва уларни ҳал этиш нуқталарини аниқлашга aloҳида эътибор қаратилади. Президентимиз ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ихтисослашувни чуқурлаштириш бўйича топишриқ берди. Бунда энг муаммолар маҳаллаларга устувор аҳамият қаратилади. Улар учун инфратузилма, электр таъминоти ва интернетдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, томорқадан даромад манбаи сифатида янада самарали фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

2026 йилга мўлжалланган вазифалар маҳаллаларда ишларни комплекс ташкил этишини кўзда тутди. Гап барқарор бандликни таъминлаш, даромад манбаларини яратиш, аҳолини бозорда талаб юқори касб-ҳунарларга ўқитиш ва фуқароларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга қаратилган хизматлар доирасини кенгайтириш ҳақида. Кам таъминланган ҳар бир оиланинг ҳақиқий имконияти ва эҳтиёжларини инobatта олган ҳолда aloҳида қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги тасдиқланди. Лойиҳавий ёндашув доирасида шундай дастурлар билан кам таъминланган 1 миллион фуқарони қамраб олиш режалаштирилмоқда.



Ушбу мантиқ доирасида маҳаллабўй тизими 2026 йилга келиб, институционал шаклланиш босқичидан манзиллиликни чуқурлаштириш ва ошириш босқичига ўтмоқда. Мурожаатномада маҳаллаларни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳамда хонадонлар даромадини ошириш бўйича қўйилган вазифалар нафақат сиёсий устуворликка, балки тизимли таҳлилий тадқиқотлар натижаларига ҳам асосланган.

Манзиллиликни кучайтиришда самарадорлик

Янги ёндашувнинг ўзига хослиги унинг таҳлилий жиҳатдан асосланганлигидир. Биринчи марта ҳудудлар 20 та мезон бўйича чуқур таҳлил қилинди. Бу 37 та “огир” тоифадаги туман ва 903 та ана шу тоифадаги маҳаллани аниқлаш имконини берди. Айнан шу ҳудудларда мамлакатимиздаги кам таъминланган барча оиланинг қарийб учдан бири атрофида, яъни 121 минг оила, шунингдек, барча ишсизларнинг 21 фоизи ёки 155 минг киши жамланган. Ижтимоий-иқтисодий хавф-хатарларнинг бундай тўпланиши ресурсларни манзилли йўналтиришни иқтисодий жиҳатдан oқлайди ва уни ижтимоий жиҳатдан самарали қилади.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази маҳаллалар ҳолати, ҳоким ёрдамчилари фаолияти самарадорлиги, бандлик ва

камбағалликни қисқартириш дастурлари натижадорлигини мунтазам ўрганиб бормоқда. Бу тадқиқотлар институционал чекловлар, ҳудудлар ўртасидаги тафовут ҳамда сиёсатни амалга оширишдаги заиф нуқталарни аниқлашга хизмат қилади. Шунингдек, чора-тадбирларни мақбуллаштириш ва давлат харажатидан олинadиган самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу таҳлилий ишнинг умумлаштирувчи якуний босқичи сўнгги йилларда маҳалла даражасидаги кенг қамровли эмпирик тадқиқотлар-



дан бири бўлди. Сўровнома 8383 маҳаллани, яъни 93 фоизни қамраб олди. Бу маҳаллаларда 35,2 миллион киши, жумладан, кам таъминланган 341 минг оила истиқомат қилади.

Тадқиқотнинг кенг қамровли экани ҳам институционал имкониятларнинг, ҳам ушбу тузилмани янада ривожлантириш йўналишларининг ҳақиқий манзарасини гавдалантириш имконини берди.

Ҳоким ёрдамчилари ва “маҳалла еттилиги” фаолияти

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказининг баҳолашига кўра, ислохотларни амалга ошириш учун асосий институционал инфратузилма алақачон шаклланиб бўлган. Ҳоким ёрдамчилари институти деярли тўлиқ жорий этилган, бор-йўғи 90 га яқин лавозим вакант қолмоқда. Шу билан бирга, 9000 дан зиёд маҳаллада “маҳалла еттилиги” фаолият юритмоқда.

Ушбу моделнинг барқарорлиги уни жорий этиш натижалари билан тасдиқланади. Ҳоким ёрдамчиларининг 96 фоизи ўз касбий фаолиятдан қониқиб билдирган, 82 фоизи эса КР1 тизими асосидаги баҳолаш тизимида жиддий муаммоларни кўрмайпти.

Шу билан бирга, тадқиқотлар муҳим бошқарув жиҳатларини ҳам аниқлаш имконини берди. Ҳоким ёрдамчиларининг қарийб 45 фоизи ўз фаолиятини туман ва шаҳар ҳокимликлари даражасида мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ деб билди, 29 фоизи эса камбағалликни қисқартириш учун масъул органлар билан янада яқин ҳамкорлик қилиш зарурлигини тасдиқлади.

Маҳаллабўй тизими фаолиятининг амалий натижалари ҳам эмпирик жиҳатдан тасдиқланди. Маҳаллаларнинг 89 фоизда сўнгги 1-2 йилда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсаткичлардан хизматлар ҳажми ўсиши қайд этилган. Маҳаллаларнинг 84 фоизда муаммолар кредитлар улуши қамайган, 73 фоизда эса солиқ интизоми яхшилانган. Ҳоким ёрдамчиларининг учдан бир қисмидан кўпроғи маҳаллаларда бандлик даражаси 30 фоиздан зиёдга ошганини тасдиқлади. 17 фоиз ҳолатда эса маҳаллалар ишсизликдан деярли холи ҳудудга айланган.

Барқарор даромад манбаи

Тадқиқотнинг марказий хулосаларидан бири маҳаллалар ихтисослашувининг амалий жиҳатдан тасдиқланган мавқеи бўлди. Бутун маҳаллаларнинг аттиги 9 фоизи чуқур ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлса-да, айнан шундай ҳудудларда энг барқарор ижтимоий-иқтисодий натижалар кузатиламоқда. Бундай маҳаллаларда ишсизлик даражаси пастроқ, ижтимоий ёрдам олувчилар улуши икки баравар кам, молиявий интизом эса сезиларли даражада юқори.

Аҳоли даромади таркиби ҳам табақалаштирилган ёндашув зарурлигини тасдиқламоқда. Маҳаллаларнинг 62 фоизда асосий даромад манбаи қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ, йирик шаҳарлар ва иқтисодий фаол ҳудудларда хизмат кўрсатиш, ўзини ўзи банд қилиш ва ёланма меҳнатнинг аҳамияти ортб бормоқда. Бу қўллаб-қувватлашнинг универсал модели барча ҳудуд учун бир хил самарали бўла oлмаслигини англатади. Камбағалликни қисқартиришга янгича ёндашувда назарда тутилган

қиёсий афзалликлар сиёсати мустаҳкам таҳлилий асосга эга.

Тадқиқот ихтисослашувнинг чуқурлашуви ва даромадининг ўсишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни жиҳатларни ҳам юзата чиқарди. Ҳоким ёрдамчиларининг яримдан кўпи кредитга кириш имкониятларини кенгайтириш зарурлиги, 14 фоизи малакали кадрлар етишмаслиги, яна 11 фоизи йўл инфратузилмаси қониқарсиз ҳолатда эканини кўрсатиб ўтган. Қишлоқ маҳаллаларида сув таъминоти ва асосий муҳандислик инфратузилмаси ҳамон ҳал қилувчи омил бўлиб қолмоқда.

Инсон капиталини ошириш ҳам муҳим масалалардан. Ҳоким ёрдамчиларининг баҳолашича, тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилганларнинг молиявий саводхонлик, рақамли кўникмалар, хорижий тиллар ва замонавий технологиялар бўйича билимини ошириш зарур. Шундай экан, билим ва компетенцияларга параллел равишда сармоя киритмай туриб фақат молиявий қўллаб-қувватлаш барқарор самара бермайдди. Шу нуқтан назардан, инфратузилма, имтиёзли молиялаштириш, субсидиялар ва таълимга бир вақтнинг ўзида сармоя киритишни назарда тутувчи давлат ёндашуви аниқланган таркибий чекловларга мос келди.

Умуман олганда, натижалар “маҳалла еттилиги” ислохотларини амалга оширишнинг самарали ва кенг қамровли механизмига айланганини тасдиқлайди. Ҳоким ёрдамчилари орасида КР1 тизимидан қониқшнинг юқори кўрсаткичлари ислохотларнинг кейинги босқичи, шунингдек, манзиллилик ва лойиҳавий бошқарувни кучайтириш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Бошқарув мантиғидаги ўзгариш

Ижтимоий сиёсат ва камбағалликни қисқартириш асосида маҳаллабўй тизими ва тарихан шаклланиб келган маҳалла институти нисбатан қисқа муддатда барқарор натижаларни намойиш этди.

Сўнгги тўққиз йилда аҳолининг харид қobiliяти 2 баравар oшди, 8,5 миллиондан зиёд киши камбағалликдан чиқарилди, ишсизлик даражаси эса 2 баравар қисқарди. Натижада жойларда бошқарувнинг янада мураккаб ва аниқ воситаларига ўтиш учун мустаҳкам ижтимоий-иқтисодий пойдевор яратилди.

Президентимиз тасдиқлаганидек, 2026 йил oхиригача камбағалликни 2 баравар қисқартириш бўйича қўйилган мақсадга 2025 йилдаёқ эришилди. Бу сиёсатдаги муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Энди эътибор аниқ маҳаллалар ва уй ҳўжаликларида барқарор ўзгаришларни мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий самараларнинг сифати ва узоқ муддатли таъсири асосий устуворликка айланмоқда.

Шу нуқтан назардан, 2026 йил ислохотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичини ochиладиган. Камбағалликни қисқартириш сиёсати илк бор заифлиқнинг маҳаллий сабабларига аниқ ёндашиш тизими сифатида намoён бўлмоқда. Қарорларни баҳолаш ҳар бир маҳалла микёсида аҳоли бандлиги, даромади ва асосий инфратузилмадан фойдаланишдаги реал ўзгаришларга асосланади. Бошқарув мантиғидаги бундай ўзгариш жамоатчилик ишончини мустаҳкамлайди, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва ислохотларнинг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий самарасини шакллантиради.

Президентимизнинг стратегик ташаббус ва ғоялари асосида сўнгги йилларда юртимиз ҳар жиҳатдан янги ривожланиш босқичига дадил қадам қўймоқда. Мамлакатимизнинг демократик қиёфаси ўзгармоқда.

Биргина ўтган йили маҳаллаларда “еттилик” тизими орқали ҳар бир хонадон ва инсоннинг муаммоси изчил ўрганилиб, манзилли ёндашув асосида ечим топилиди. Натижада 5 миллион фуқаро даромадли бўлди, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга пасайди. Бу, ўз ўрнида, аҳолининг меҳнат қилиш ҳуқуқи, ижтимоий ҳимояси ва иқтисодий фаровонлиги таъминланишига хизмат қилди. Шу билан бирга, камбағаллик даражасининг 8,9 фоиздан 5,8 фоизга туширилиши аҳолининг турмуши сифати, ижтимоий барқарорлик ва жамиятдаги тенг имкониятларни кенгайтиришга қаратилган ислохотларнинг амалий ва самарали натижаси бўлди.

Бундан ташқари, ўтган йили ҳаёт сифати ва инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасида ҳам аниқ ишлар қилинди. Жумладан, 188 маҳалладаги 715 минг киши яшайдиган хонадонларга биринчи марта тоза ичимлик сув етказилди, 2 миллион 300 мингга яқин фуқароннинг сув таъминоти сезиларли даражада яхшиланди. Энг муҳими, ogир ва қийин шарoитдаги 867 маҳаллада жойлашган 470 минг хонадонга томорқа сўғориш учун илк бор сув етиб борди. Бу ҳам инсон ҳаётидаги реал ўзгариш, фаровонлиқнинг яққол намунасикидир.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида “Маҳалла ва яхши қўшничилик ўзарo уйғун қадриятларидир. Улар жамиятда инсоний ва ижтимоий капитални янада бойитишга бекиёс ҳисса қўшади”, деб тасдиқлагани маҳалланинг жамият юксалишида қай даражада теран ва ҳаётий қадрият эканини яна бир бор яққол намoён этди.



Ихтиёр БЕКОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

амалга оширилиб, қўшимча 100 мингта янги иш ўрни очилиши мақсад қилинмоқда. Чунки маҳалласида иш ўрни бўлса, аҳоли иш излаб бошқа жойларда сарсон бўлмайди, фарзандларидан узоқлашмайди, oilаси бағрида тинч ва барқарор ҳаёт кечирши имконига эга бўлади. Бу эса инсоннинг яшаш шарoити билан бирга руҳий хотиржамлиги ва келажака ишончини ҳам мустаҳкамлайди.

Камбағалликдан холи 3500 та маҳалланинг пайдо бўлиши жамиятнинг юксалтириш ва ижтимоий бирдамликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки камбағалликдан холи маҳалла нафақат иқтисодий барқарор, балки инсон ўзини жамиятнинг фаол ва муҳим аъзоси сифатида ҳис этадиган маърифий муҳитдир. Бундай ҳудудда одам кўндаллик эҳтиёжлари билан овора бўлмайди, аксинча, фарзандининг келажаги, маҳалласининг ривожига ҳақида ўйлайди. Унда инсон нафақат ўзи, балки яшаётган жойи, қўшини, жамоаси учун масъулият ҳисси билан ҳаракат қилади. Бу жамиятдаги ўзгаришларга уйғунлашиб, давлат ислохотларининг бир қисмига айланиш демакдир. Шу боис, инсон ўзини нафақат хонадон, балки маҳалла ва Ватан тақдирига дахлдор деб ҳис этади. Ана шу тўғй маҳаллани жамиятдаги ижтимоий бирдамлик ва миллий ҳамжиҳатликнинг табиий манбаига айлантиради.

Маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида 20 триллион сўм йўналтирилиш режалаштирилмоқда. Ушбу маблаг ҳисобидан йўллар таъмирланади, ичимлик сув ва электр таъминоти яхшиланади, бoғчалар, маданият маканлари ва жамоат инфратузилмалари барпо этилади. Бу эса одамларнинг кўндаллик ҳаётини енгилаштириб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди.

Экологик муаммоларнинг олдини олиш ва аҳоли ҳаётига таъсирини юмшатиш мақсадида маҳаллаларда яшил боғлар ва жамоат паркларини барпо этиш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Шу мақсадда депутатларнинг ваколатлари кенгайтирилиб, улар аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, маҳаллада бевосита экологик муҳитни яхшилаш бўйича тадбирлар қўтариши ва амалга ошириши мумкин. Бу эса маҳаллаларда нафақат яшил ҳудудлар кўпайиши, балки аҳоли саломатлиги, дам олиш маданияти ва экологик онгининг юксалишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, маҳалладаги муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал қилиш учун барча давлат органлари масъул этиб белгиланмоқда, икки жараёни эса 7/24 режимда онлайн кузатилиши таъминланади. Бу янгича ёндашув фуқароларнинг ҳар бир мурожаати эътиборсиз қолмаслиги, ҳар бир муаммо масъул ташкилот томонидан аниқ жавобгарлик асосида ҳал этилишига замин яратади. Шу орқали давлат идоралари ва аҳоли ўртасида ишонч мустаҳкамланиб, “инсон — жамият — давлат” тамойили амалда таъминланади.

Маҳаллага нисбатан кўпинча “давлат ва халқ ўртасидаги кўприк” деб таъриф берилди. Лекин буни чуқурроқ мушоҳада қилсак, маҳалла ўтмиш ва келажаки боғловчи маънавий ва ижтимоий кўприк ҳамдир. Президентимиз ташаббуси билан “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятнинг юксалтириш йили” да илгари сўрилаган устувор вазифалар маҳалла институти мустаҳкамлаш, уни ислохотлар марказига айлантириш, одамлар манфатини ҳаётинг ҳар бир жабаҳсида таъминлашга қаратилган. Инфратузилмани яхшилаш, янги иш ўринлари очиш, камбағалликни қамайтириш, ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш каби мақсадлар маҳаллада реал натижалар бериши янги Ўзбекистон тараққиётини маҳалладан бошлаш ғоясини амалда тасдиқлайди. Чунки ислохот инсон учун бўлса, у аввало, инсон яшаётган маҳаллада намoён бўлиши шарт. Демак, маҳалла бутун жамият юксалишининг бошланғич нуқтасидир.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАҲДИД

Бошланиши 1-бетда

Яширин иқтисодиёт ўнлаб йиллар давомида мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида баравж ривожланди. Қатъий чегара ва савдо тўсиқлари, иқтисодий турғунлик, эркин валюта конвертацияси йўқлиги, тадбиркорларга турли босимлар бунинг асосий сабабларидир. Қолаверса, бошқарувдаги бюрократия ва коррупция, монополия ва ёпиқ схемалар, бозор иқтисодиёти ривожланмагани, пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатида очиклик йўқлиги, ишсизлик кучайиши, мажбурий меҳнат, маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳамда таълим сифати пастлиги ҳам яширин иқтисодиёт гуллаб-яшнашига замин яратди.

Айтиш керакки, юқоридагиларнинг барчаси йиллар давомида миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар ривожига катта зарар етказди.

Имтиёзлар — энг яхши усул

“Яширин иқтисодиёт” тушунчаси кўп қиррали бўлиб, унинг кўплаб синонимлари мавжуд. Норасмий иқтисодиёт, ноқонуний иқтисодиёт, номунтазам иқтисодиёт, кулранг иқтисодиёт, қора иқтисодиёт, параллел иқтисодиёт, жиноий иқтисодиёт, иккинчи иқтисодиёт, оқ ёқа иқтисодиёти, уй ва жамият иқтисодиёти шулар жумласидандир.

Бугунги тараққиётимиз босқичида жамиятнинг муайян бўғинларида яширин иқтисодиёт ватанимиз ривожига чанг солаётган муаммолардан бири ҳисобланади. Яширин иқтисодиёт Солиқ кодексида қайд этилган физикал қондаларни четлаб ўтувчи ёки улардан бўйин товловчи иқтисодий фаолиятдан ташкил топади.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда, биринчи навбатда, иқтисодий ва молиявий хавфсизлиқни таъминлаш учун унга таҳдид солувчи кучларни бартараф этish талаб қилинади. Асосий иқтисодий хавфсизликка бўлаётган таҳдидлар орасида кўпроқ аҳамият эгаллагани иқтисодий муносабатларнинг жиноийлашуви, яъни жиноий тизимнинг давлат иқтисодий сиёсатини ўз манфатларига бўйсундириш тенденциясидир. Айнан шунинг учун яширин иқтисодиётни аниқлаш, шаклланишининг олдини олиш ва улушини пасайтириш ҳозирги замон иқтисодий сиёсатининг ўта долзарб муаммоларидан бири бўлиб, уни зудлик билан ҳал этиш учун комплекс чора-тадбирларни кечиктирмай амалга ошириш лозим.

Яширин иқтисодиётнинг кенгайиши ҳаётнинг давлатга ишончини йўқотади. Давлатнинг иқтисодий ислохотларига тўсқинлик қилади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга турли хил шаклда имтиёзлар бериш яширин иқтисодиёт миқёсини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Яширин иқтисодиёт, ўз навбатида, коррупцияни вужудга келтиради. Коррупция эса яширин иқтисодиёт ривож учун барча имкониятларни яратди. Яъни яширин иқтисодиёт давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча тизими сезиларли даражада коррупциялашган шарт-шароитда ривожланса, иккинчи томондан, яширин иқтисодиёт сиёсат ва иқтисодиётнинг ўзаро хотиржам ҳолатда мавжуд бўлишини таъминловчи соҳалар билан коррупцияли муносабатларни шакллантиради. Шунинг учун коррупцияга қарши курашиш яширин иқтисодиётга қарши кураш билан уйғунлашган ҳолда бўлиши керак.

Бойлик ва қудрат рамзи

Мамлакатни мисли қўрилмаган тўз ўгарилшар йўлидан қатъият билан олиб бorgan, сиёсий ва иқтисодий модернизациянинг жадал жараёнини бошлаган Шавкат Мирзиёевнинг Президентликка келиши билан Ўзбекистон тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичга бошланди. Чунки замон эскича яшаш ва ишлашни кўтара олмасди. Ўзгариш ва янгиланишлар замон талаби эди.

2016 йили мамлакатимизда сиёсий ўзгаришлар рўй берди, Президент Шавкат Мирзиёев янги платформа билан ҳокимиятга келди. 2017 йилдан кейин жамият ҳаётида ҳам, давлатчилигимизда ҳам жиддий ўзгаришлар ўз берди. Давлатимиз раҳбари сиёсий тизимнинг ислоҳ қилишда ўзининг бой ҳаётини ва бошқарув соҳасидаги йиллар давомида тўплаган тажрибасига таянди. Сабаби замон эскича яшаш ва ишлашни кўтара олмасди.



Эслайлик, 2017 йил сентябрда сўм бир кунда 1,5 баробар қадрсизланди. Бу воқеаларни ўша пайтда кўпчилик танқид қилди. Аммо бу қарор ўта оғирлиги бўлиб, уни қабул қилиш ва ижро этиш масъулиятини Президент ўз зиммасига олганди. Бу қарор иқтисодий инқилоб билан баробар эди. Ўзбекистон 2017 йилнинг 5 сентябридан миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтди. Бу борада аҳоли учун юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни юмшатиш бўйича барча зарур чоралар кўрилди. Ушандан сўнг валюта бозори эркинлашди, экспорт-импорт муносабатлари соғломлашди, хорижий сармоядорлар учун валюталар дарамадн чикариш қафолати қонунийлаштирилди.

Бугун эса эркин валюта сиёсати иқтисодий суверенитетнинг тўлақонли калитига айланиб улгурди. Буни нуфузли халқаро молия институтлари — Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби ташкилотлар ҳам эътироф этди. Жумладан, ўша даврда Жаҳон банки вице-президенти Сирил Миоллернинг: “Бу жуда кучли, муайян равишда тарихий ҳужжат. У Ўзбекистонда янги давр бошланганини ифодалайди ва унда мамлакат тараққиётида янги динамикани белгилувчи янгича дунёқараш ва янгиланган ёндашувлар баён этилган”, деган ҳаққоний баҳоси хотирламизда жонланади.

Хуллас, маъмурий буйруқбозликка асосланган тизим асорати кетмаган давлатни ҳалқ давлатига айлантириш янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг бош йўналиши эди.

2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши давлат аппарати ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу хавфли иллат билан курашдаги куч ва имкониятларини бирлаштиришига замин ҳозирлади.

Ҳақиқатан, Ўзбекистон иқтисодиёти эркинлаштирилмоқда: кичик бизнес соҳибларига назорат юқи кескин пасайтирилмоқда, базис инспекцион ташкилотлардаги бюрократик оворагарчиликларга барҳам берилмоқда, банк, солиқ ва боғжона тизимларимиз янада либераллаштирилмоқда, хусусий бизнесни ҳукуматдан ҳимояловчи қонуналар қайта ислоҳ қилинмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Ўзбекистонга қайтди. Улар шаффофликни ошириш ва маҳаллий статистикани мувофиқлаштириш борасида ҳукумат билан ишламоқда. Янгиланаётган Ўзбекистон барча соҳаларда очиклик, шаффоф ва ҳалол муносабатлар йўлини танлади.

Ўзбекистоннинг обрўсига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз эди.

Айниқса, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали бери сақланиб қолаётган жиддий муаммолар шароитида ушбу масалаларнинг долзарблиги янада ортди. Бундай шароитда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, унга бўладиган турли таҳдидларни, айниқса, яширин иқтисодиёт ва ҳалокатли феномен коррупцияни олдини олиш масаласи юзага келган эдики, 2017 йил якунига келиб, давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси боис, муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

2016 йилги рақамларга мурожаат қилсак: ялпи ички маҳсулот 66 миллиард доллارни ташкил қилган. 2022 йилги кўрсаткичлар бўйича ЯИМ (80 миллиард доллар) аҳоли жон бошига 2200 доллари ташкил қилди. 2023 йилда ЯИМ 91 миллиард доллар, 2024 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, 110 миллиард доллари ташкил этди.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қатъий саёй-ҳаракатлар натижасида кейинги тўққиз



йилда ялпи ички маҳсулотимиз 2,5 қарра ошиб, ўтган 2025 йили 145 миллиард долларга, экспорт ҳажми 43 миллиард долларга етди. 2026 йил якуни билан ялпи ички маҳсулотимиз 167 миллиард долларга етиши мўлжалланмоқда.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши куч, қудрат, фаровонлик дегани. Зеро, ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бойлик ва қудрат рамзидир.

Коррупция ва инфляция

Фанда яширин иқтисодиёт ва коррупция уюшган жиноят олами билан чирмашиб кетиши исботланган. Шу ўринда жорий йилнинг 27 январь куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Энг ёмони, чет давлатларда ҳам ўзимизнинг фуқаролар уюшган гуруҳлар тузиб, юртимиздан борганларга нисбатан товланмачилик, зўравонлик, тадбиркорлигига рахна солиш билан шугулланипти. Ўзбекларнинг чет элда оммавий муштлашувлари юртимиз обрўсига пугтур етказяпти”, дея таъкидлади.

Ўтган йилнинг ўзида чет элда оғир аҳволга тушган 3700 фуқаромиз юртга қайтарилди. 192 фуқаро одам савдоси қурбонига

айланди. Чет элга бориб олиб, уюшган жиноий гуруҳлар ташкил қилган, у ерда ўзимизнинг фуқароларни ҳам талаётган шахслар фаолиятига чек қўйишдаги суст-кашликлар танқид қилинди.

Бундан ташқари, илгари фақат “кўча” деб қўрилган уюшган жиноятчилик бутун бизнес ниқоби остида даромадли соҳаларга кириб борапти. Айниқса, жиноий тўдалар фаолияти кўп қаватли уйлар ва автомашиналар олди-сотдиси, моливий пирамидалар ташкил қилиш, ҳаж ва умра зиёратига юборишда анча кўпайган. Тошкент шаҳрида ҳонадон сотиш масаласида 3 мингдан зиёд фуқаро 1,3 триллион сўм зарар етказилган. Масъуллар аҳолининг фиррибарлар қопқонига тушиб қолмаслиги учун ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ишламаётгани кўрсатиб ўтилди.

Тахлиллар кўрсатадики, давлат бошқаруви органларида коррупция содир этилиши натижасида иқтисодиёт соҳасига энг катта зарар етказилади. Халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, дунё мамлакат-

ларида коррупция натижасида товар ва хизматларнинг баҳоси ҳар йили ўртача 5-15 фоиз ошади.

Хорижлик экспертлар ва маҳаллий ҳам-жамиятда бугун бутун МДХ маконида энг улугвор ислохотлар Ўзбекистонда кеча-этганини қатъий эътироф этмоқда. Ўтган 9 йил давомида Ўзбекистонда кенг қўламдаги ислохотлар амалга ошдики, уларни шунчаки ўзгаришлар эмас, балки бу адолатни тиклашга қаратилган, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тан олган маърифатли, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этиш йўлидаги янгиланишлардир. Бу рағбат ва адолат руҳи синиги бораётган жамият барпо этилаётганидир. Бу “ҳеч ким нундан юқори эмас” тамойили амалда тўлиқ таъминланаётганида кўринмоқда.

2023 йилда қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямизда инсон шаъни, мулк дахлсизлиги ва адолатли жазо тамойиллари мустаҳкамланди. Мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатларига **жавобгарлик қўйиштирилди**.

Йиллар мобайнида амалда иқтисодий хавфсизлиқни таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилиш органларининг кучлари ва воситалари етарли

даражада ишлатилмагани ҳам сир эмас.

В а з и р л а р

Маҳкамасининг 2020 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикасида “яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Миллий статистика қўмитаси таркибида Яширин иқтисодиётни статистик баҳоланиш муюфиқлаштириш бўлими ташкил этилди.

Президентимизнинг 2024 йил 16 январдаги “Яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида бу борада давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланди.

Жумладан, яширин иқтисодиёт қўламини кескин қисқартириш орқали мамлакатда соғлом рақобат ва хусусий бизнесни ривожлантириш, яширин иқтисодиёт шаклланишининг турли схемалари, хуфёна ишлаб чиқариш ва ноқонуний молиявий оқимларга барҳам бериш орқали иқтисодий барқарорлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш асосий мақсад қилинган.

Шунингдек, кенг жамоатчиликда яширин иқтисодиётга муросасизлик ҳиссини шакллантириш ҳам вужудга белгилаб қўйилган. Асосий мақсад қонунга итоаткор тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, яширин иқтисодиётни репрессив йўл билан эмас, балки уларни рағбатлантириш механизмлари ва амалий кўмак бериш орқали қўламини камайтириш, жазолор чораларни кучайтиришдан воз кечган ҳолда инсофли тадбиркорни ҳимоя қилиш, уларга ҳақиқий кўмакчи бўлиш ҳамда бизнес ривожига тўсиқ бўлувчи коррупцион омидаларга барҳам бериш ҳисобланади.

Жорий йилнинг 27 январь кунни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Тошкент шаҳрида яширин ва кузатилмайдиган иқтисодиёт 60 триллион сўмга етгани, бу бюджет учун йилга 7,5 триллион сўм йўқотилишига олиб келаётгани ҳақидаги маълумот келтирилди. Дарҳақиқат, бу яширин иқтисодиётга қарши курашиш ва солиқ маъмуричилиги бўйича пойтахт солиқ органларининг иши мутлақо қониқарсиз эканидан далолат беради.

Конституциямизга мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудиде ягона солиқ тизими амал қилади. Соҳа мутасаддилари солиқ сиёсатининг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ечишдаги роли бекиёслиги, жамият ва давлатнинг ривожланишига таъсир этувчи асосий йўналтирувчи куч, ягона иқтисодий майдонни ташкил этишга имкон яратадиган кучли иқтисодий дастак, мамлакатнинг миллий, иқтисодий, ижтимоий хавфсизлиқни таъминлашнинг билатүриб, солиқ қонунчилигини бузиши ўтакетган худбинликдир.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан катта маблағ талаб қилаётган ижтимоий дастурлар бюджетдан молиялаштирилаётгани сир эмас. Қўпгина давлатларда бюджетнинг асосий қисmini солиқлар ташкил этади. Масалан, Францияда давлат бюджетининг 95 фоизи, АҚШда 90 фоизи, Германияда 80 фоизи, Россияда 93 фоизини солиқлар ташкил этади. Солиқ қонунчилигининг бузилиши бюджетга тушадиган солиқ ва бошқа тушумлар камайишига, мисқоллаб шаклланаётган давлат бюджетни мажбурийлар бажарилмай қоллишига олиб келди. Охир-оқибатда ҳукуматнинг бозор иқтисодиётини бошқаришдаги молиявий тизими заифлашувиға, жамиятда турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлди.

Халқаро илмий тадқиқотларда иқтисодиётни рақамлаштириш орқали яширин секторни легаллаштириш масаласи глобал муаммо сифатида ўрганилмоқда. Жумладан, яширин иқтисодиётни легаллаштириш механизмни такомиллаштиришга комплекс

ёндашиш, электрон ҳукумат орқали давлат институтлари самарадорлигини ошириш, норасмий субъектлар фаолиятини бюрократик омидаларни бартараф этиш орқали “соғ”дан чиқариш, киберхавфсизлиқни кучайтириш асосида ноқонуний офшор ҳисоб-рақамларни назоратга олиш каби йўналишлардаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ ва соҳаларига рақамлаштиришнинг кенг жорий қилиш орқали коррупцияга қарши курашиш, яширин иқтисодиётни легаллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Солиқ қонунчилиги бузилиши мамлакатдаги ижтимоий тадбирларнинг меъёрга ишлашига рахна солади. Бюджет камомадини келтириб чиқаради. Натижада эгри солиқлар миқдори кўпаяди. Мамлакатнинг ижтимоий хавфсизлигига таҳдид солинади. Иқтисодиётнинг нотекис ишлашига сабаб бўлади.

Президентимиз видеоселектор йиғилишида “Билиб қўйиллар, давлатнинг ҳар бир сўми бўйича таъсирчан назорат ўрнатилади. Жавобгарлик муқаррар, ҳаро қаттиқ бўлади”, деди.

Яқинда Президент Администрацияси ва давлат идораларида комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тизими йўлга қўйилди. Йиғилишда мазкур тузилма томонидан қисқа муддатда бюджетга тушум, талон-торож, молиявий камчиликлар бўйича 53 триллион сўм ва ташқи савдо операцияда 8 миллиард доллардан ортиқ қарздорлик аниқлангани ўта аянчли ҳолат экани қайд этилди. Коррупциявий схемалар бўйича 4,2 триллион сўм зарар аниқланиб, 1,3 триллион сўми ундирилди, 55 нафар шахс қамоққа олингани нуфузли ташкилотлар фаолиятига соя солади ва кенг жамоатчилик олдида ишончини йўқотади.

Сўнгги йилларда давлат бошқаруви органларида очиклик ва шаффофлик сиёсати юритилаётгани ўз натижасини бермоқда. Лекин бу жараён ҳуқуқ-тартибот идоралари ишига тақсим қилиб келаётгани, уларнинг фаолияти ташкирцидан холис ўрганилмаётгани Президентимиз томонидан қайд этилди.

Хориж тажрибаси идора ва ташкилотларнинг ёпиқ ҳолатда ишлаши уларнинг ўзига ҳам, жамоатчиликка ҳам фойда келтирмаслиги, соҳада ўзгариш, ривожланиш бўлмаслигини исботлаган.

Биз янги Ўзбекистонни барпо этияпмиз. Бу мамлакатимизда раҳбар кадрларнинг янги авлодини, янги кадрлар корпусини яратишни талаб қилмоқда. Бу дегани, ҳозирги шароитда кадрлар билан ишлаш, ҳар томонлама етуқ, ватанпарварлик, профессионализм, адолат, ҳалоллик ва ҳолисликда ибрат бўладиган бошқарувчилар керак. Демак, илгор бошқарув усулларини эгаллаган кадрлар захирасини шакллантиришда шарқона донишмандлик, дунёвий тафаккур, маънавий-ахлоқий фазилатлар сув ва ҳаводек зарур.

Муҳими, кадрларда коррупцияга нафрат туйғуси ҳамда ушбу иллатга муросасиз курашиш борасида муҳим саналган кучли фуқаролик позициясини шакллантириш кўзланган самарани қафолатлайди. Бу эса мислсиз моддий ва маънавий зарарларнинг олдини олади.



ЁШЛАРНИ РУЎЛАНТИРАЁТГАН ЛОЙИХА

2023/2024 ўқув йилидан эътиборан хорижий тиллар ўқитилишини такомиллаштириш мақсадида мактабларга тил эгалари бўлган чет эллик мутахассислар жалб этила бошлади. Ҳозир улар сони 1500 дан ортиқ. 2030 йилга бориб, ҳар йили 1000 нафар хорижий тил эгасини мактабларга жалб этиш кўзда тутилмоқда. Зеро, бу лойиҳа ўзини оқлаётганига таъкидлашчи ҳам, жараён иштирокчилари ҳам ишонч ҳосил қилишди.

2021 йилда хорижий тилни билиш даражаси бўйича сертификатга эга мактаб ўқувчилари сони бор-йўғи 11 мингдан зиёд эди. Ҳозир бу кўрсаткич 53 мингга етди. Яқин бир-икки йилда бу натижа сезиларли ортиши аниқ. Ҳозирча пойтахт мактабларида йўлга қўйилган, мегаполих даражасига чиққан “Келажак учун хорижий тил” лойиҳаси бу жараёнда муҳим омил бўлади. У тўғрисида ўқувчи ёшларга катта имконият очилади.

Чет эллик мутахассислар қандай фикрда?

Лойиҳада иштирок этаётган кўплаб хорижлик ўқитувчилар Ўзбекистонга боғланиб қолгани, маҳаллий ўқитувчиларнинг ҳушму-малалиги, бағрикенглиги, ўқувчиларнинг тил ўрганишга қизиқиши катталигини айтмоқда. Улар ўзбек ёшлари чин маънода бахтли авлод экани, фарзандларимиз келажак учун барча шарт-шароит яратилганини эътироф этипти.

— Ўзбекистон етакчиси келажакни олдиндан кўра оладиган, стратегик фикрлайдиган лидер, — дейди Юнусобод туманидаги 9-мактабда инглиз тилидан дарс бераётган британиялик мутахассис Роналд Волс. — Бунинг Президентининг ёшларни кўлаб-қувватлашга қаратилган эътибори, хорижий тиллар ва касб-хунар ўргатишга доир таъбабусларида яққол кўриш мумкин. Бу сиёсат дунё амалиётида самарадорлигини исботлаган. Хусусан, “Келажак учун хорижий тил” — ёшларни рағбатлантиришга қаратилган жуда муҳим ва долзарб лойиҳа. Инглиз тили бугун бизнес, таълим ва касбий соҳаларда жуда муҳим мулоқот воситаси. Шунинг учун ўқувчиларнинг мактабни чуқур билим ва ўзига қатъий ишонч билан



тамомлаши алоҳида аҳамиятга эга. Ёшлар бунинг учун инглиз тилида эркин гапириш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва мулоқот қилишга интилоқда.

Буюк Британиядан келган яна бир таърибали мутахассис Бурнс Исабел янги ўқув йилидан поитахтимиздаги 96-мактабга хорижий тил ўқитувчиси сифатида жалб этилган.

— Ўзбекистонда таълим тизими жуда ҳам кенг қамровли, — дейди у. — Ҳамкорликда ишлашнинг ўқитиш сифатини оширишдаги аҳамияти катта. Бу ўқитувчилар ва ўқувчиларга мулоқот, фикр алмашиш ва биргаликда ўрганиш имконини беради. Мазкур мактабда иш бошлаганимга кўп бўлмаса-да, маҳаллий ҳамкасбларим ва ўқувчиларим муҳитга мослашишимга ёрдам беряпти. Уларнинг кўлаб-қувватлаш ва ҳамкорлиги тўғрисида тез мослашдим ҳамда фаолиятимни таъкидлаштириб бораётиман. Онлайн ресурслар ва замонавий таълим платформаларидан фойдаланиш дарсларимни янада самарали ташкил этиш ва ўқувчиларнинг эҳтиёжига мослашишга ёрдам берди. Таълим масканни биноси янги ва жуда замонавий. Атроф-муҳит, синфхоналар ва шароитлар аъло даражада. Келгуси йилларда ҳам шу мактабда ишламоқчиман. Таълим сифатини янада ошириш, ўқитувчиларнинг касбий ривожланишини кўлаб-қувватлашга ҳиссамни қўймоқчиман.

Лойиҳа доирасида Қорақалпоғистонга 100 га яқин чет тили ўқитувчисини жалб қилиш режалаштирилган. Бугун уларнинг 50 фоиздан кўпи шаҳар ва туманлардаги мактабларда

Лойиҳа доирасида Қорақалпоғистонга 100 га яқин чет тили ўқитувчисини жалб қилиш режалаштирилган. Бугун уларнинг 50 фоиздан кўпи шаҳар ва туманлардаги мактабларда иш бошлади.

ЖАРАЁН 5

2026 йил 11 февраль, 28-сон



Келажак пойдевори

“КЕЛАЖАК УЧУН ХОРИЖИЙ ТИЛ” — ёшларни рағбатлантиришга қаратилган жуда муҳим ва долзарб лойиҳа. Инглиз тили бугун бизнес, таълим ва касбий соҳаларда жуда муҳим мулоқот воситаси. Шунинг учун ўқувчиларнинг мактабни чуқур билим ва ўзига қатъий ишонч билан таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга.

офлайн ва онлайн ўқитдим. Магистр дипломи ва халқаро сертификатга эгаман. Ўзбекистонга биринчи марта келдим. Ушбу мамлакатнинг аъёнлари, маданиятини яхши кўриб, шу ерни танладим.

Ёшлар глобал майдонда рақобатбардош бўлиши керак

Хорижий тил эгаларининг Ўзбекистон таълим тизимига жалб этилиши бизга нима беради деган савол пайдо бўлиши табиий. Бунга жавобан айтиш мумкинки, биринчи навбатда, таълим тизимининг халқаро стандартларга интеграция қилиш имкони пайдо бўлади. Ўқувчиларнинг чет тилларни ўрганишга қизиқиши табиий ортади. Маҳаллий ўқитувчилар ва хорижлик мутахассислар таърибига алоқадор.

2025 йил якунида поитахтимиздаги умумтаълим мактабларининг 11-синф



ўқувчилари учун инглиз тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича махсус тест синовлари ташкил этилди. Тест жараёнида ўқувчиларнинг грамматика, тинглаб тушуниш ҳамда ўқиб тушуниш кўникмалари баҳоланди. Уша синов натижаларига кўра, С1 ва ундан юқори даража қайд этган ўқувчилар Тошкент шаҳридаги Президент мактабида ташкил этилган махсус курсда ўқий бошлади. Дастур Президент мактабларида ишлаб чиқилган бўлиб, иқтидорли ўқувчиларда глобал дунёқараш, етакчилик салоҳияти, танқидий фикрлаш, барқарор

ривожланиш мақсадларига асосланган замонавий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган. Шундан ҳам билиш мумкинки, “Келажак учун хорижий тил” лойиҳаси билим, очик фикрли ва глобал майдонда рақобатбардош ёшлар авлодини тарбиялаш йўлидаги муҳим қадамдир. Илк бор Тошкент шаҳрида таъриб тарихида йўлга қўйилган мазкур лойиҳада поитахтдаги умумтаълим мактабларининг қарийб 40 минг битирувчисини қамраб олиш режалаштирилган.

Тил ўргатиш бўйича илгари сурилаётган ташаббуснинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, дарс маҳаллий педагоглар билан бирга ўтилади. Яъни улар ҳамкор ўқитувчи сифатида бир-бирининг ўрнини тўлдирди. Бунинг фойдали жиҳатлари жуда кўп. Бир томондан хорижлик мутахассис билимининг ҳам ўқувчига, ҳам ўқитувчига аниқ янгилик. Иккинчи томондан эса ўқитиш тизими билан яқиндан танишиб боради. Таҳлилларга кўра, шу пайтга қадар ўқувчилар IELTS имтиҳонининг тинглаб тушуниш ёки ўқиб тушуниш қисми бўйича юқори балл олар, аммо ёзиш ва гапириш кўникмасига келганда оқшас сезилар, баллар пасайиб кетар эди. Шу маънода, хорижлик мутахассислар билан тил муҳитини вужудга келтириш, яъни осон мулоқот қилиш, тушуниш, гапириш кўникмасини ривожлантириш жуда муҳим.

Муножат МҲМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



АКАДЕМИК БОШҚАРУВ

ЯНГИ КЕНГАШ НИМАСИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИ?

Президентимизнинг 2025 йил 26 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони Тошкент давлат юридик университетида профессор-ўқитувчилар ролини ошириш, қарорлар қабул қилишда коллегиял ёндашувларни кенгайтиришга қаратилган навбатдаги қадам сифатида кўрилмоқда. Чунки айни фармон асосида Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари орасида илк бор мазкур ўқув юртида Профессорлар кенгаши (Senate of Professors) ташкил этилди.



Фармон ва ижро



Бу нима беради? Аввало, айтиш керакки, мазкур ташаббус олий таълим муассасасини бошқаришда академик ҳамжамият иштирокини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган билан аҳамиятли. Ваҳоланки, аънаваний ёндашувда университет бошқаруви кўпроқ маъмурий механизмлар орқали амалга ошириларди. Аммо бутунги олий таълим тизими таълим сифати, илм-фан ва академик эркинлик билан боғлиқ қарорлар қабул қилинаётганда профессор-ўқитувчилар қанчалик иштирок этмоқда деган саволни юзага чиқармоқда. Профессорлар кенгаши айнан шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда академик ҳамжамият иштирокини институтлашган шаклда таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур кенгашга қатор муҳим ваколатлар ҳам берилди. Хусусан, универси-

тетнинг узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожланиш дастурларини аниқ кенгаш тасдиқлайди. Халқаро эътироф этилган рейтингларда юқори ўринларни эгаллашга қаратилган мақсадли чораларни белгилайди. Шунингдек, ҳуқуқ соҳасидаги долзарб илмий тадқиқотлар ва илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, академик ҳалоллик ва тадқиқот этикаси стандартларини тасдиқлаш ҳам унинг ваколатлари сирасига киради. Мазкур ваколатлар Профессорлар кенгашини шунчаки маслаҳат берувчи орган эмас, балки университетнинг академик сифатини шакллантиришда муҳим роль ўйнаовчи субъект сифатида намоён этади.

Профессорлар кенгашини шакллантириш сайлов асосида амалга оширилди. Унинг аъзоларини университет



кафедралари профессор-ўқитувчилари ҳамда тадқиқот марказлари илмий ходимлари ўз вақилида орқали демократик йўл билан сайлаб олади. Натижада академик ҳамжамиятнинг университет бошқарувидаги иштироки декларатив эмас, амалий мазмун касб этади.

АҚШ, Буюк Британия ҳамда Европанинг кўплаб етакчи олийгоҳларида шундай кенгаш ёки академик сенатлар олий таълим муассасаси бошқаруви тизимидаги муҳим институционал бўғин ҳисобланади. Жумладан, Италиянинг Болонья университетида Университет сенати, АҚШдаги Вашингтон университети ва Гарвард университетида Факультет (Faculty) сенатлари, Буюк Британиядаги Оксфорд университетида Академик кенгаш (Congregation) фаолият юритади.

Мазкур коллегиял органлар ўқув даргоҳининг академик сифатини шакллантириш, таълим стандартларини тасдиқлаш, янги таълим дастурларини жорий этиш, илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилаш, шунингдек, академик эркинлик ва сифат қафолатларини таъминлашда муҳим ваколатларга эга. Турли мамлакатларда ушбу органларнинг номланиши фарқ қилиши мумкин бўлса-да, уларнинг вазифаси ва функционал роли олий таълим муассасасида академик ҳамжамият манфаатларини ифодаловчи ҳамда қарорлар қабул қилишда муҳим таъсир кўрсатувчи институт мавқеига эга.

Профессорлар кенгаши ташкил этилиши Ўзбекистон олий таълим тизимида бошқарувнинг замонавий, очик ва коллегиял моделини жорий этиш йўлидаги муҳим қадамдир. Ушбу янгилик профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг университет тараққиётидаги ролини кучайтириб, академик фикр ва масъулиятни бошқарув жараёнига фаол жалб этишга хизмат қилади.

Умид СОБИРОВ,
Тошкент давлат юридик университети тадқиқот маркази илмий ходими



Олий таълимдаги янгиликлар

Олий таълим тизимидаги ислохотлар фақат таълим мазмуни ёки қабул кўрсаткичлари билан чекланиб қолмаяпти. Талабанинг таълимдан ташқари ҳаёти, ижтимоий муҳити ва яшаш шароити ҳам билим олиш сифатига бевосита таъсир этувчи омил экани боис, унга давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, талабалар турар жойлари билан боғлиқ ислохотлар олий таълимни инсонга йўналтирилган тизимга айлантиришда муҳим қадам бўлди.

ИНФРАТУЗИЛМА ОРҚАЛИ СИФАТ ТАЪМИНЛАНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 январдаги “Айрим тоифадаги талабаларнинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ана шундай эгзу мақсадга қаратилган билан аҳамиятлидир. Негаки бу орқали айрим тоифадаги талабалар рўйхатини шакллантириш, талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини қоплаб беришнинг комиссия томонидан кўриб чиқиш ҳамда давлат бюджетига ҳисобдан молиялаштириш тартиби белгиланди.

— Ушбу имтиёздан “Ижтимоий реестр”га киритилган оилаларнинг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган фарзандлари фойдаланиши мумкин, — дейди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўлим бошлиги Нозим Ибрагимов. — Тўловлар талаба грант ёки контракт асосида ўқишдан қатъи назар, амалга оширилади.

Қарорга кўра, бундай ёшлар талабалар турар жойига устуворлик асосида навбатсиз қабул қилинади. Агар давлат ётоқхонаси бўлмаса, улар давлат-хусусий шериклик асосида қурилган турар жойларга жойлаштирилиши мумкин. Тўловлар ҳар ойнинг 15-санасига қадар талабанинг банк пластик картасига ўтказиб берилади.

Талабанинг оиласи “Ижтимоий реестр”га киритилганидан давлат олий таълим ташкилотининг тегишли ахборот тизими орқали юборган электрон сўровига асосан “Электрон



ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган электрон маълумотлар, ағона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилади. Давлат олий таълим ташкилотларининг талабалар турар жойида яшайдиганларга ойлик тўловлар қонунчилик ҳужжатларида мувофиқ, давлат олий таълим ташкилотлари ҳамда талаба томонидан имзоланган шартнома мавжуд бўлган тақдирда қоплаб берилади.

— Комиссия томонидан талабгорлар рўйхати тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида аниқланади, — дейди Нозим Ибрагимов. — Ариза берувчи ўқув йили учун талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини давлат бюджетига ҳисобдан қоплаб бериш юзасидан ўзлари таълим оладиган олий таълим ташкилотининг ректори (филиал директори) номига ойнинг 7-санасига қадар ариза билан мурожаат қилади. Шу муддатдан кейин тақдим этилган аризалар ушбу ой бўйича яшаш харажатларини қоплаб бериш учун кўриб чиқилмайди.

Ариза берувчи мустақил равишда комиссияга “Талабаларга шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳисобини юритиш ахборот тизими” (kontrakt.edu.uz) орқали ариза юборади. Ариза тегишли ўқув йили учун бир марта юборилади.

Эндиликда чет тили биринчи фан бўлган йўналишларга В1 даража ҳам имтиёз беради.

Юқоридagi ҳужжат билан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, фанлар мажмуасида чет тили 1-фан сифатида белгиланган таълим йўналишларига қабул хорижий тилни билиш бўйича камида В1 даражадаги миллий ёки халқаро тан олинган сертификат асосида амалга оширилади.

— Фанлар мажмуасида чет тили фани мавжуд бўлган таълим йўналишларига қабулда В1 даражадаги миллий ёки халқаро тан олинган сертификатга эга абитуриентларга ушбу фандан белгиланган баллнинг 75 фоизи миқдориди балл берилади, — дейди Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги Чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси бошлиги Ойбек Ғаниев. — В2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки халқаро тан олинган сертификатга эга абитуриентлар ушбу фандан белгиланган максимал баллни кўлга киради. Бу эса талабанинг келажакдаги имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Илгари мазкур йўналишларга қабул камида В2 даражасидаги миллий ёки халқаро сертификат асосида амалга ошириларди.

Амалга киритилаётган ушбу янгиликлар ёшларимизга қўшимча қулайлик яратиш орқали уларнинг имкониятларини ошириб, илм йўлида шароит яратиш билан аҳамият-лидир.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Навоийнинг улкан ижод уммонида ҳар ким ўз идишига сиққунчалик — ақлу тафаккури қодирлиги қадар баҳраманд бўлиши мумкин. Шууримизни оби раҳмат каби яшнатгувчи, димоғимизни гулоб каби хушбўй ифорга буркамиш бу азиз неъматни ичган сари чанқоғимиз ошгани-ошган, руҳимиз оройиш, қалбимиз осойиш топганидан бу ҳузур маҳзанига ошиқлигимиз чандон ортиб, унинг туб-тубида — биллур чиғаноқлар ичра гизланиб ётган маъно жавоҳирларини топмоқ истаги туғилади кўнглимизда.



Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Шоир ижодида инсон ҳам илоҳий, ҳам башарий, ҳам мутлақ, ҳам муваққат бир мавжудлик ўлароқ талқин этилишини кузатамиз. Барча мутасаввуф шоирлар сингари ҳазрат ижодида ҳам руҳ ва нафс, шу орқали яхшилик ва ёмонлик, нур билан зулмат ўртасидаги азалий зиддият бош мавзу бўлиб, оламни мукам-мал кўрмоқ истаги, комил инсон ғояси зухур этиб туради.

Унга кўра, башарий ҳис, майл, эҳтиёж-лар гирдобига тушиб, ўтқинчи кундалик ўй-ташвишлардан бош кўтармасак, руҳ ва руҳий ҳаёт мавжудлиги, унга ондигимизни унутсак, нафс ғалаёни ва исёндан вужуддаги мусалфо фазилатлар ё мажруҳланибди, ё буткул завол топади. Зеро, сувратдан сийратга бокмоқ, сийрат-га таяниб сувратни тасвирлаш ҳам маърифат белгиси, яъни басират очилганидир.

“Маҳбуб ул-хулуб”да шу хусусда сўз юри-тар экан, Амир Алишер олам ва одам, давр ва шахс, кўнглик истаклари ва фалак эврилишлар-ни ҳақида дунё ҳамда унинг асл моҳиятини тушунириш орқали мулоҳаза урилади. Таш-хис санъати ёрдамида юлдузлар тўла фалакни ямоқли тўн қийган хийлағар тосбос — кўз-бўямачига, дунёни эса пардос туфайли хушби-чим кўринадиган маккора ялмоғизга қиёслаб, фоний дунёда буларнинг хийласига алданиш ҳасратидан огоҳлантиради.

Галиврга Ухшаган фалакнинг чамбарига яхшино ёмон, поку нопок — барча инсонлар бирга яшашга маҳкум. Фалакнинг найранглари туфайли кўпинча ғавҳарни оддий тошдан ажра-толмайдиган фаросати йўқ одамларга беҳи-сон мол-дунё насиб этади, сотқинлик ва зулм қон-қонига сингиб кетган эгри ниятли одамлар маъсул лавозимларни эгаллайди: бутун бегу-ноҳ гўдаклар қонидан, норасида етимлар нону жонидан зигирча кўрқмай, офат урушлари бо-шинда турганлар ҳам шундай кимсалар аслида. Базан эса тўғирсўз, ҳалол одамлар эътибордан четда қолади. Энг қизиги, бир муддат ўтгандан кейин ажал тини олдиди аҳли ҳам, ёмон ҳам бир хил бош эгизга мажбур. Шу сабабли олам бебақолигини билган, умр яхшилик билан ҳам, ёмонлик билан ҳам ўттиши муқарраллигини англаган инсон имкон борича яхшилик қилиши ва ўзидан эзгу номин мерос қилиб қолдириши даркор. Мутафаккир буни, мақолатдаги гоғлар-ни бизга шох Искандарнинг ҳаётдан қўли очиқ ҳолда кетгани ҳақидаги ҳикоят орқали теран-роқ тушунтиради.

Ўз даврида ана шундай юксак инсоний, умумбашарий ғояларни бадийи баркамоллик билан ифодалаб берган адиб асарлари аслар-дан асларга, наслардан наслларга ўтиб ар-доқланиб келди. У кейинги авлодларнинг эзгу умидлари, ажойиб орзулари зуҳури йўлида ҳам илҳомбахш кучга айланди. Алишер Навоий яратган бебаҳо адабий мероси орқали ўзидан кейинги даврларда қалам тобратган барча тур-кизабон ижодкорлар учун устози аввал, маъ-навий маёқ бўлиб хизмат қилгани, Оғажидан тортиб, Эркин Воҳидовгача унга ижодий иқти-дода бўлгани, яъни улар замонлар оша эскир-мас, ўзгармас мусалфо чашмадан сув ичиб, муқаддас туркий тупроқда илдиз отгани бир томон бўлса, жаҳон адабиётида тутган беқиёс аҳамияти, дунёнинг турли тилларига таржима қилиниб, кенг ўрганилаётгани яна бир томон.

Умуман, шоир ижодида қизиқчи, ўрганиш адиб ҳали тириклик чоғидаёқ бошланган, хо-тирало қайдомадар битилган, бутунга келиб эса Навоий ҳаёти ва ижодини ҳам шаклан, ҳам мазмунан тадқиқ этиш кенг илмий қамров, соф илмий-назарий ёндашувлар билан ҳамон фол-доддан этмоқда. Шубҳасиз, ҳали тўла ўрганил-маган, ҳолис илмий баҳосини олмаган жиҳат-лар бисёр. Шулардан бири собиқ иттифок дав-рида синфийлик нуқтан назаридан атай четлаб

ИЗЗАТ ВА МАЪМУРЛИК



Бўстончида

ёхуд Ҳирот маънавий муҳитида — Амир Алишер

ўтилган сарой адабиёти ҳамда темурий ҳукм-дорлар, хусусан, Ҳусайн Бойқаро ҳузурида, бевосита Навоий иштирокидаги адабий маж-лислар тарихини кўрсатиб бериш, умумадабий жараён билан боғлаб, муайян тарихий аспектда ҳолис ёритиш масаласидир.

Шеърятнинг “олий мажлис”и

Қадимдан Шарқ мамлакатлари ҳукмдорла-ри ҳузурида шеърят ва адабиётга бағишланган йиғинлар ўтказиш одат бўлиб, тарихий манба-ларда бундай анжуманлар “мажлис”, “олий маж-лис” деб зикр этилган. Яқин ва Урта Шарқ сарой-ларида ёки катта йиғинлар доирасида шоирлар иштирокида шеърхонлик мажлисларини ташкил этиш аслар давомида мустаҳкам анъанга ай-ланган. Бундай адабий йиғинлар, бир тарафдан, мумтоз адабиёт тараққиётига, иқтидорли қалам соҳибларни камол топиши ва танилишига хиз-мат қилган бўлса, иккинчи томондан, уларда иштирок этган олимлар, фозиллар, шоирлар ва бадийят аҳли орқали мамлакат ҳамда ҳомий су-лтоннинг шухрати етти иқлимга ёйилиб, номи аба-дийликка муҳрланишида муҳим ўрин тутган. Ҳу-сусан, уламолар билан суҳбат қуриш, илмий баҳ-са ва мунозараларда иштирок этиш Соҳибқирон Амир Темурнинг энг сеvimли машғулотларидан бири ҳисобланган. “Темур тузуқлари”да у ўзи-нинг уламо билан мулоқот қилгани, пок ниятли, соф қалбли инсонларга яқин бўлгани, ғийбатчи ва беҳаё кишиларни мажлисига яқин қўймагани ҳақида баён этади. Шунингдек, у мажлис аҳли бўлган саййидлар, олимлар, фозиллар, ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар ва ровий-ларга муносиб равишда суюрғол, нафақа ва маош белгилашни буюрган. “Темур тузуқлари”да қайд этилишича, Соҳибқирон саройидаги уламолар ва шайхлардан диний, ҳуқуқий, ақлий, ҳалол-ҳаромга оид масалаларни ўрганиб борган.

Амир Темурнинг бундай йиғинларини мунта-зам уюштиргани сабабини Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир” асари орқали англаш мумкин. Зеро, у ҳазрати Али ибн Абутолибнинг “Маж-лис ул-илми рават ул-жаннати”, яъни “Илмий мажлис жаннат гулшанига ўхшайди”, деган ҳикматига амал қилган. Навоий ушбу фикрни шеър шаклида қуйидагича ифода этган:

**Ким олим эса нуктада барҳақ де аде,
Гар қисмат, бихишти мутлақ де ани.
Ҳар қисмат, йўқ илм анга аҳмиқ де ани,
Мажлисдаки илм бўлса, чумақ де ани.**

Темурий султонлар аъёнансини давом эт-тирган ҳолда бундай илмий-маърифий йиғин-лар султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурида ҳам мун-тазам ўтказилган. Навоий бу ҳақда “Лайли ва Мажнун” дostonида тўхталиб, Ҳусайн Бойқаро раҳбарлигида ўтган уламолар мажлисини юк-сак бадийи маҳорат билан тасвирлайди. Унинг баёнига кўра, илмда етук инсонлар ҳам бу мажлисга келганда ҳукмдор олдида ҳайратда қолиб, сўзлай олмай қоладилар. Дин илми, ҳу-сусан, фикҳ соҳасида моҳир бўлганлар масала



қўйганда султон уларга нисбатан юзлаб асосли савол ва шубҳаларни келтирар, алалоқибат ма-сала кўтарган фақиҳ жавобсиз қолар, шох эса барча муаммоларни ўзи ҳал этиб беради.

Бундан англашиладики, ана шундай маж-лислар ўз даври мусулмон мамлакатлари учун муҳим аҳамият касб этган. Чунки ислом дав-латининг етук улаомлари жам бўлган йиғи-лишларда барча тўпналма қолган масалалар муҳокама қилинган. Темур ҳам, Ҳусайн Бойқа-ро ҳам йиғинларда уламолар билан тенг баҳса қиришгани, диний масалаларга ечим топгани ҳукмдорларнинг билимдонлигидан, олимлигид-дан далolat эди.

Албатта, темурийлар даври маданий муҳи-тининг ёрқин саҳифасини туркий (эски ўзбек) адабиётининг равнақсиз тасаввур этиб бўл-майди. Зеро, илдиэлари узок ўтмишларга бориб тақалладиган ушбу адабиёт мажбур даврга келиб, янада сайқалланиб, бадийи имкониятларини кенгайтириб, янги уфқлар сари юз тутди ҳамда юксак тараққиёт босқичига кўтарилди. Ибн майдонига янги-янги номдор шоир ва адиблар кириб келиб, бетакор, умрбоқий асарлари би-лан бадийи тафаккур ҳазинасини бойитди.

Ана шу шеърят аҳлининг ном қозониши, шаклланиши ҳамда нодир асарлар вужудга кели-шида шеърый мажлислар алоҳида ўрин тутди. Мазкур давр адабий муҳитининг ўзига хос яна бир жиҳати, ҳар бир шаҳар ва манзилгоҳдаги зиё-лилар хонадонлари, боғу роғларда назм аҳли жам бўлиши, шоирлар мажлиси ташкил этилиши одат тусига кириганди. Бундай йиғинларда шеърлар мутлола қилинган, куй ва қўшиқлар ижро этилар, адабий мавзуларда фикр алмашувлар ва баҳс-мунозаралар ўтказилар эди.

Алишер Навоий “Маҷолис ун-нафоис”да ўз даври шоирлар мажлисларидан бири ҳақи-да бундай ёзган: **“Фарқ (Навоий) бир маж-лисда Пули Молонда ани (Мавлоно Аёзий) кўрдим. Бир анжуманда бир қисадсин уқур эрди, ҳар байт бунёд қилса, сўз услубидин,**

бошқалар унинг маъносини шарҳлашга муҳтож бўлсин, шу билан бирга, шеър халқ ва мажлис аҳли учун яратилишини унутмасин. Бир хил вази ва қоғиға қаноат қилмаслик, санъатсиз ва тартибсиз мисралардан қочиш, оҳангдорлик, мусиқийлик ва мукамал ваэига эътибор бе-риш зарурлиги таъкидланади. Шоир санъати-нинг номи жўхалларидан беҳабар қолмаслиги ҳам муҳим шарт сифатида қайд этилади.

Демак, ҳукмдорлар мажлисида қатнашувчи шоирларга юқори савияда талаблар қўйилган. Уларнинг айримлари эса султонга сирдош, ҳамсуҳбат, маҳрам ва маслаҳатчи, бир сўз би-лан айтганда, надим мақомига эришган. Тему-рийлар, айниқса, Ҳусайн Бойқаро саройидаги надимларга қуйидаги шартлар белгиланган: форсий ва арабий тилларда ишю ёза билиши, шеърят илмини эгаллаш ва қўллаб форсча ҳамда арабча байтларни ёддан ўқиш, тиб ва ну-жум илмидан хабардор бўлиш, созоналик сир-ларидан воқифлик, тақлид санъатини билиш, қизиқ ҳикоялар, ҳикматли сўзлар ва нодир қис-саларни ёддан баён қила олиш, нард ва шахмат ўйинларини билиш, Қуръон тиловати, тафсир, ҳадис ҳамда шарият илмларидан хабардорлик.

Низомулмулк “Сисатнома” асарида надим-ликнинг фойдаси ва шартларини санар экан, надим фозил, чиройли муомалали, покмазҳаб, сир сакловчи, озода кийинган, ҳикоя ва латифа-ларни таъсирли қилиб сўзлай оладиган бўлиши лозимлигини қайд этади. Шунингдек, ҳар бир надимнинг саройда ўзига хос мартабаси бўлиб, айримлари ўтириб, айримлари эса тик туриб хизмат қиладиган махсус мақомага эга бўлган.

Ҳусайн Бойқаро даврида надимлар “му-соҳиб” деб аталган. Заҳириддин Мухаммад Бобур “Бобурнома” асарида Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг мусоҳибни бўлгани ҳақи-да маълумот бериб, **“Алишербек Навоий беги эмас эди, балки мусоҳиб эди”,** деб ёзади. На-воий қомусий лугатида ҳам мусоҳиб ўрта сар-сарой лавозимларидан бири сифатида изохлан-ган. Бу эса буюк мутафаккир шоиримиз бена-зир адабий мерос қолдириш билан бир қаторда доно ваэир, оқил маслаҳатчи, халқ ва санъат ҳомийси сифатида султон билан ёнма-ён ту-риб, эл-юрт равнақи йўлида беқиёс заҳмат че-киб, улуснинг ҳаёти равон, турмуши фаровон бўлиши учун астойдил хизмат қилганини яна бир қарра таъкидлайди.

Унинг илм, тасвирий санъат ва мусиқа илми соҳибларига алоҳида эҳтиром ва меҳрини ҳам таъкидлаш лозим. Мисол учун, юқоридagi ка-би мажлисларда доимо ҳофиз ва созандалар хизмат қилган. Диққатга сазовор жиҳати шун-даки, бу давр хонадалари кўпинча шоир ҳам бўлиб, мажлисларда мусиқа жўрлигида шеър-лар ўқиш анъанга айланган. Бу ҳолат фақат Ҳусайн Бойқаро саройи билан чекланмай, бошқа темурий ҳукмдорлар мажлисларида ҳам кузатилган.

Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида халқ қўшиқчилигининг саккиз тури ривожлан-ганини қайд этади. Булар — туюқ, чангчи, туркий, орзуворий, мухаббатнома, мустаҳжод

бошқалар унинг маъносини шарҳлашга муҳтож бўлсин, шу билан бирга, шеър халқ ва мажлис аҳли учун яратилишини унутмасин. Бир хил вази ва қоғиға қаноат қилмаслик, санъатсиз ва тартибсиз мисралардан қочиш, оҳангдорлик, мусиқийлик ва мукамал ваэига эътибор бе-риш зарурлиги таъкидланади. Шоир санъати-нинг номи жўхалларидан беҳабар қолмаслиги ҳам муҳим шарт сифатида қайд этилади.

Демак, ҳукмдорлар мажлисида қатнашувчи шоирларга юқори савияда талаблар қўйилган. Уларнинг айримлари эса султонга сирдош, ҳамсуҳбат, маҳрам ва маслаҳатчи, бир сўз би-лан айтганда, надим мақомига эришган. Тему-рийлар, айниқса, Ҳусайн Бойқаро саройидаги надимларга қуйидаги шартлар белгиланган: форсий ва арабий тилларда ишю ёза билиши, шеърят илмини эгаллаш ва қўллаб форсча ҳамда арабча байтларни ёддан ўқиш, тиб ва ну-жум илмидан хабардор бўлиш, созоналик сир-ларидан воқифлик, тақлид санъатини билиш, қизиқ ҳикоялар, ҳикматли сўзлар ва нодир қис-саларни ёддан баён қила олиш, нард ва шахмат ўйинларини билиш, Қуръон тиловати, тафсир, ҳадис ҳамда шарият илмларидан хабардорлик.

Низомулмулк “Сисатнома” асарида надим-ликнинг фойдаси ва шартларини санар экан, надим фозил, чиройли муомалали, покмазҳаб, сир сакловчи, озода кийинган, ҳикоя ва латифа-ларни таъсирли қилиб сўзлай оладиган бўлиши лозимлигини қайд этади. Шунингдек, ҳар бир надимнинг саройда ўзига хос мартабаси бўлиб, айримлари ўтириб, айримлари эса тик туриб хизмат қиладиган махсус мақомага эга бўлган.

Ҳусайн Бойқаро даврида надимлар “му-соҳиб” деб аталган. Заҳириддин Мухаммад Бобур “Бобурнома” асарида Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг мусоҳибни бўлгани ҳақи-да маълумот бериб, **“Алишербек Навоий беги эмас эди, балки мусоҳиб эди”,** деб ёзади. На-воий қомусий лугатида ҳам мусоҳиб ўрта сар-сарой лавозимларидан бири сифатида изохлан-ган. Бу эса буюк мутафаккир шоиримиз бена-зир адабий мерос қолдириш билан бир қаторда доно ваэир, оқил маслаҳатчи, халқ ва санъат ҳомийси сифатида султон билан ёнма-ён ту-риб, эл-юрт равнақи йўлида беқиёс заҳмат че-киб, улуснинг ҳаёти равон, турмуши фаровон бўлиши учун астойдил хизмат қилганини яна бир қарра таъкидлайди.

Унинг илм, тасвирий санъат ва мусиқа илми соҳибларига алоҳида эҳтиром ва меҳрини ҳам таъкидлаш лозим. Мисол учун, юқоридagi ка-би мажлисларда доимо ҳофиз ва созандалар хизмат қилган. Диққатга сазовор жиҳати шун-даки, бу давр хонадалари кўпинча шоир ҳам бўлиб, мажлисларда мусиқа жўрлигида шеър-лар ўқиш анъанга айланган. Бу ҳолат фақат Ҳусайн Бойқаро саройи билан чекланмай, бошқа темурий ҳукмдорлар мажлисларида ҳам кузатилган.

Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида халқ қўшиқчилигининг саккиз тури ривожлан-ганини қайд этади. Булар — туюқ, чангчи, туркий, орзуворий, мухаббатнома, мустаҳжод

ва шу кабилар. Темурийлар даври мусиқа санъ-атида Ҳирот ижодий муҳитининг ўрни катта бўлган. Ҳирот мусиқашунослари ўз ижодла-рида Навоийнинг шеър ва ғазалларидан кенг фойдаланган.

Эронлик олим Валиуллоҳ Ковусий мажбур адабий йиғинларни мусиқий мажлислар деб қайд этиб, **“Султон Ҳусайн ва шаҳзодаларнинг му-сиқага қизиқиши ва Алишер Навоийнинг созанда-ларга кўрсатган ҳомийлиги туфайли сарой санъ-аткорларнинг интиладиган марказида айланди. Тарихчилар ўша даврдаги Султон Ҳусайн ва ва-эирининг фармони билан уюштирилган беназир мусиқий мажлислар ҳақида кўп бора ёзишган. Амир Алишер Навоийнинг ҳиммати билан таш-кил этиладиган кўп мусиқа мажлисларида созан-далар ва хонадалардан ташқари замонасининг қўлаб фўзало ва доғишмонлари ҳам иштирок этишарди”,** дея таъкидлайди.

Алишер Навоий даргоҳида ҳам худди шун-дай шеърят кечалари ташкил этиб турилган. Навоийнинг адабиёт аҳлига кўрсатган ғамхўр-лиги самараси ўлароқ, Мовароуннахр ва Хуро-сон зиёлилари унинг атрофида — мажлисла-рида тез-тез жам бўлган. “Маҳбуб ул-қулуб”да Навоий ўзи ташкил этган ана шундай мажлис-ларни қайд этган: **“Ҳоҳу иззат ва маъмурлик бўстониди мажлис кўрдим... Улуғ кишилар-ни ва юқори мансб ээаларини ҳурмат ва таъзим юзасидан меҳмон қилдим ва баъзан шодлик боғида зиёфат тузиб, хонаида ва созандаларнинг базму тироналаридан баҳра-манд бўлдим”.**

Амир Алишер ҳузуридаги бундай кечаларга қатнашиш ҳаммага ҳам насиб қилавермаган. “Олимларнинг улуғлари қачонки Навоийнинг олий даразасидаги йиғинлариди қатнашиш им-кониятини қўла қиритишса, унинг самимий қалби сирлари саҳифаларидан фойдали мар-варидлар илгашар, фозилларнинг машҳурлари қачонки ул ҳазрат ўтирган муборак ғиламнинг бир четида ўтириш шарафига ээа бўлишса, нозик фикрлар ва нафис сўзлар ғавҳарларини теришган”, дейди бу ҳақда Хондамир “Мако-рим ул-ахлоқ” асарида. Ушбу суҳбатларда одат-да олим адиблар ва шоирларнинг янги асар-лари муҳокама қилинган ва бу йиғинларнинг Ҳусайн Бойқаро олий мажлисларидан фарқи шундаки, Навоий синовидан ўтган шоир ҳо-физлар, қиссахону қасидагўйлар, муаммогўй-лар, турли соҳадаги юксак истеъод соҳиблари подшоҳ олий мажлисларига тавсия этилган.

Хулоса қилиб айтганда, ўтмиш адабий жа-раёнида мушоиралар алоҳида ва ҳал қилувчи аҳамият касб этган, аниқроғи, адабий муҳит асосан шеърый мажлислар, шоирлар анжуман-лари орқали шаклланган. Ана шу мушоиралар майдониди қалам соҳиблари ўз асарларини тақдим этган, улар ҳақидаги мулоҳазаларни тинглаган, ижодий фикр алмашув орқали ўз маҳоратини сайқаллаб борган, ҳамфикр ва ҳам-маслак ижодкорлар билан маънавий яқинликка эришган. Бу жараёнлар адабиётни фақат шах-сий ижод махсули даражасида қолдирмай, уни жамоавий тафаккур даражасига кўтарган, бу орқали маънавий масъулият ва бадийи камолот мезонлари қарор топган.

Навоий адабий мажлислари ўз даври ўзбек адабиётининг равнақида беқиёс таъсир кўр-сатган. Меҳрибон маънавий раҳбар, нозиктаб танқидчи, саҳий ҳомий, ижод аҳлига ғамхўр шахс хонадониди мажлисларда унинг болалик йилларида уйда ўтказилган шеърят йиғинла-рининг таъсири ҳам яққол сезилади. Зеро, унинг уйи азалдан олимлар, шоирлар, фозиллар тўпла-надиган, фикр ва маърифат алмашуви кечадиган маскан бўлганки, биз ҳали амир Алишернинг азиз устозлари, кейинчалик яқин дўстлари, шо-гирдлари, уламолар билан хос суҳбатлари ҳақи-да тўхталмадик. Негаки у алоҳида, қамрови бир мақолага жой бўлиши мушкул катта мавзу. Аён-ки, ана шу муҳит шоир шахсиятининг камол то-пишига, унинг дунёқараши ва ижодий тафаккур-ининг мустақамланишига замин яратган.

Ҳазрат илгари сурган гоғлар, унинг беқиёс бадийи мероси, инсон ва жаамиятга бўлган масъ-улиятли муносабати бутун ҳам ўз қўлматини йўқотгани йўқ. У барпо этган маънавий муҳит, ижодкор шахсига ҳурмат, муқаддас сўзга эҳти-ром ҳар бир давр учун беқиёс ибрат манбаидир. Замонлар алмаша-да, маърифатга таянган та-раққиёт, ақил ҳақида сунган маънавий юксалиш тамойили ҳаммиса барқарор бўлиб қолаверадди.

Демак, ўтмиш мушоиралари тажрибаси, Навоий ва унинг замондошлари яратган адабий муҳит бутунги маънавий ҳаёт учун ҳам ички таянч, илҳом манбаи ваэифасини ўтайди. Ушбу анъаналар орқали адабиёт фақат сўз санъати сифатида эмас, балки инсонни юксалтирувчи, жаамиятни ривожлантирувчи, маънавий йўл кўр-сатувчи қудрат сифатида намён бўлади.

